



Кузатув кенгаши томонидан  
“ТАСДИҚЛАНГАН”  
(Маъқулланган)  
2021 йил “30” ноябрь

## ”Жиззах пластмасса” АЖнинг

2022 йил учун

## БИЗНЕС РЕЖАСИ

Давлат номидан акциядор  
функциясини бажарувчи ташкилот  
номи

”Жиззах пластмасса”

Идоравий мансублиги

“UzAssets IK” АЖ

Почта манзили, е-хат манзили  
(ёки электрон почта манзили)

jizplast@mail.ru

СТИР

200 344 745

Ижроия органи раҳбари  
Бошқарув раиси

Тўрақулов Элёр Шухратович

Бош бухгалтер

Джамалов Рашидхўжа

# МУНДАРИЖА

## **I. Корхона тўғрисида умумий маълумот**

- 1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти);*
- 1.2 Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари;*
- 1.3 Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати;*
- 1.4 Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот;*
- 1.5 Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя;*
- 1.6 Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мақеи;*
- 1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими*

## **II. Корхонани ислоҳ қилиш**

- 2.1 Истиқболли ривожланиш стратегияси;*
- 2.2 Ислоҳ қилишнинг 2021 йил учун режаси;*

## **III. Бозор ва маркетинг режаси**

- 3.1 Бозор таҳлили*
- 3.2 Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби*
- 3.3 Рақобат*
- 3.4 Маркетинг режаси*

## **IV. SWOT-таҳлили**

## **V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи**

## **VI. Кўрсаткичлар**

### **6.1 Ишлаб чиқариш режаси**

- 6.1.1. Хомашё захираси;*
- 6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари*
- 6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати*
- 6.1.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси*

### **6.2 Молиявий режа**

- 6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар*
- 6.2.2 Харажатлар ва таннархни оптималлаштириши.*
- 6.2.3 Пул оқимлари прогнози*

## **VII. Иш хақи тўлаш тизими**

## **VIII. Маҳаллийлаштириш**

## **IX. Экология ва атроф муҳитга таъсири**

## **X. Иловалар**

## **I. Корхона тўғрисида умумий маълумот**

### ***1.1. Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)***

#### **Корхона тўғрисида маълумот, корхона паспорти**

Корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи; “Жиззах пластмасса” АЖ  
Ташкилий-ҳуқуқий шакли: акциядорлик жамияти;  
Фаолият тури; Пластмасса маҳсулотларини ишлаб чиқариш;  
Юридик манзили; Жиззах шаҳри Тошкент кўчаси 5-уй;  
Устав капитали: Жамият устави 2019 йил 25 ноябрда Адлия вазирлиги хузуридаги Жиззах шаҳар “Давлат хизматлари маркази” томонидан 215516-сон билан рўйхатга олинган

Жамият устав капиталининг миқдори 15 198 243,9 минг сўм ташкил этиб шундан - “UzAssets Investitsiya Kompaniyasi” АЖ улуши 85,84 фоиз, бошқа юридик ва жисмоний шахс акциядорлари улуши 14,16 фоиз.

Статистик таснифлари: кичик тадбиркорлик субъекти;

СТИР: 200 344 745

Ҳисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банки: “Агробанк” Жиззах шаҳар филиали;  
умумий ер майдони: 13,56 га;

бино-иншоотлар майдони: 46 826 кв.м.

ишлаб чиқариш майдони; 4,6 га

инфратузилмаси; Электр-энергия ва сув таъминоти

ишчилар сони - 154

ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури: Пластмасса маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

асосий хомашёси: полиэтилен ва полипропилен

экспорт қилинадиган маҳсулотлар ва давлатлар: Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Авғонистон.

### ***1.2. Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари***

“Jizzax plastmassa” акциядорлик жамияти мамлакатимиздаги полиэтилен қувур ва плёнкалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик корхоналардан бири ҳисобланади. 1960 йилларда Мирзачўлни ўзлаштиришга киришилди ва бир вақтда Жиззах пластмасса поэтилен қувурлари заводи лойиҳалаштирила бошланди 1972 йилнинг 15 декабрида эса полиэтилен плёнка тайёрлаш тизими ишга туширилиб, корхона ўзининг илк маҳсулотларини буюртмачиларга етказиб берилди.

1973 йилнинг март ойида эса корхонанинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Ишлаб чиқариш жараёни билан бирга янги бўлим ва цехларни куриш ишлари жадаллик билан амалга оширила бошланди. 1973-1975 йилларда қуйма машиналар ўрнатилиб, гултувак солинадиган безакли вазалар, тарелкалар, нон саватлар, пакир, тоғора каби идишлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўтган 49 йил давомида корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти тинимсиз ортиб борди. “Jizzax plastmassa” акциядорлик жамияти жамоаси томонидан нафақат ички бозор, балки қўшни республикаларнинг бу йўналишдаги эҳтиёжини қондириш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилди.

Айниқса, мустақиллик йилларида корхона технологик жиҳатдан тараққий этди, ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар кенг жорий этила бошланди. 1996 йилда жамоанинг мулк шакли ўзгарди, акциядорлик жамиятига айлантирилди. Айтиш мумкинки, “Jizzax plastmassa” акциядорлик жамияти ўтиш даврининг барча

қийинчиликларига бардош берди. Корхонага ўрнатилган барча ускуна ва технологиялар экологик жиҳатдан жаҳон стандарти талабларига жавоб беради.

2002-2004 йилларда барча қалинлик ва ўлчамдаги полиэтилен плёнкалар, қувурлар, турли хажмдаги сув идишлари ишлаб чиқарила бошланди. Корхонада бозор талабларига фаол мослашиш жараёни кечаётганди. 2010 йилга келиб, республикамизда ягона бўлган полиэтилен қувурларни пайвандлаш бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш цехига асос солинди.

2012 йилдан бошлаб корхонада 4 та асосий ишлаб чиқариш бўлими мунтазам фаолият кўрсатмоқда. 2015 йилда маҳаллийлаштириш дастури доирасида Жиззах аккумуляторлари заводига аккумулятор моноболоклари ва ҳамда Фарғона азот корхонасига ацетат ип шпуллари тайёрлаш йўлга қўйилди.

“Jizzax plastmassa” акциядорлик жамияти сифат менежменти тизимларини босқичма босқич татбиқ этиб бораётир. Жумладан, корхона “ISO 9001:2000” сертификатига эга.

Бундан ташқари корхона инвестиция лойиҳалари бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди ҳамда амалга оширилиши режалаштирилган. Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сонли қарорининг ижроси юзасидан 2020 йилда жамиятда қуйидаги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш белгиланган.

#### **Жиззах “СИЗ” да БОПП пленка ишлаб чиқаришни ташкил этиш»**

- лойиҳа қиймати – 40,0 млн. АҚШ долл;
- шундан: ўз маблағлари – 16,0 млн. АҚШ долл;
- тўғридан-тўғри инвестиция – 24,0 млн. АҚШ долл;
- лойиҳа қуввати – 20 000 тонна;
- амалга ошириш муддати – декабрь 2021 йил;
- янги иш ўринлари яратилиши – 135 та.

Лойиҳа мақсади: импорт ўрнини босувчи, экспортбоп янги маҳсулот турини ишлаб чиқариш ҳамда янги иш ўринлари яратиш.

Лойиҳани амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида, 2019 йилнинг 24 июнь куни «Novopolymer Jizzakh» МЧЖ қўшма корхонаси ташкил этилган.

Лойиҳанинг бизнес-режалари ишлаб чиқилиб, экспертиза хулосаси олинган. “Жиззах” ЭИЗга лойиҳа учун ер ажратиш мақсадида барча хужжатлар тақдим этилди ва “Жиззах” ЭИЗ маъмурий кенгашининг хулосаси олинди. Технологик линиянинг техник шарлари ишлаб чиқилиб, ускунани харид қилиш учун техник ва тижорат таклифлари олинди. Лойиҳага янги таъсисчи сифатида Словакиянинг “Resysle” компаниясининг қўшилиши бўйича қарор қабул қилинган.

Франциянинг “ESOPP” компанияси билан келишувларга эришилиб, ускуна етказиб бериш бўйича шартнома имзолаш ишлари якунланган.

Ҳозирда лойиҳани “BPI France” фонди молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси ТИФ “Миллий банки”нинг хулосаси кутилмоқда.

#### **“Органик-минерал аминокислотали ўғитлар ишлаб чиқариш” лойиҳаси:**

- лойиҳа қиймати – 20 млн.долл.;
- лойиҳа қуввати – 5 минг.тн/йил;
- яратиладиган янги иш ўринлари – 50 та;
- талаб этиладиган ер майдони – 5 га.

Органик-минерал аминокислотали ўғитлар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан “Ўзкимёсаноат” АЖ ва Словакия Республикасининг Resysle компанияси вакиллари ўртасида ўтказилган учрашув баёнига асосан 2019 йилнинг 23 майида “Жиззах пластмасса” АЖ (30%) ва “Resysle” компанияси (70%) таъсисчилигида «BIO ECO WORLD» МЧЖ ҚК ташкил этилган.

Жиззах вилоятининг пахта ва полиз экинлари далаларида маҳсулотни синовдан

Ўтказиш учун хорижий ҳамкорлар томонидан 87 000 литр ҳажмда аминокислотали ўғитлар жамиятга етказиб келиниб, вилоят туманларидаги далаларда синов таъриқасида экинларга аминокислотали ўғит билан ишлов бериш ишлари амалга оширилган. Синовлар якунига кўра ижобий натижалар олинди, аммо хорижий ҳамкор олдида етказиб берилган ўғит учун 2,63 млрд.сўм дебитор қарздорлиги шаклланганлиги сабабли, лойиҳани молиялаштириш ишлари тўхтаб турибди. Ушбу қарздорликни ундириш мақсадида барча ҳужжатлар Жиззах туманлараро иқтисодий судига ундирув ишларини бошлаш мақсадида топширилган.

Ҳозирда маҳсулотнинг синов ишларини якунлаш мақсадида, Республикадаги тегишли илмий текшириш институтлари билан ҳамкорликда синов-текширув ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилоятига ташрифи доирасида лойиҳанинг тақдимотини ўтказиш режалаштирилган.

**“Полипропилендан синтетик толалар ишлаб чиқариш” лойиҳаси:**

- лойиҳа қиймати – 15,0 млн.долл.;
- лойиҳа қуввати – 5 минг.тн/йил;
- яратиладиган янги иш ўринлари – 30 та;
- талаб этиладиган ер майдони – 5 га.

Маҳаллий хом-ашёдан энгил саноат учун синтетик толалар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан “Ўзкимёсаноат” АЖ ва Словакия Республикасининг Resysle компанияси вакиллари ўртасида ўтказилган учрашув баёнига асосан 2019 йилнинг 23 майида “Жиззах пластмасса” АЖ (30%) ва "Resysle" компанияси (70%) таъсисчилигида «FIBROJIZYARN» МЧЖ ҚК ташкил этилган.

Буюртмалар бўйича маҳсулотни сотиш ишлари бошлаб юборилган. Синов тажриба тариқасида ушбу иплардан паймоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ҳамда реклама ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари лойиҳани амалга оширишнинг дастлабки босқичи сифатида хорижий ҳамкор томонидан таклиф этилаётган усулда, яъни Италия давлатида ишлаб чиқарилган тўқув машиналарини келтириб, маҳсулот чиқариш режалаштирилган.

**“Термопластлардан ностандарт полимер буюмлар ишлаб чиқариш” лойиҳаси:**

- лойиҳа қиймати – 160 минг.долл.;
- яратиладиган янги иш ўринлари – 10 нафар;
- талаб этиладиган ер майдони – 180 м2.

“Жиззах пластмасса” АЖ ва Россиянинг “Завод химически стойких изделий” МЧЖ ўртасида 2019 йилнинг 16 майида имзоланган келишувлар баёнини ижроси доирасида, жамиятда «Jizzakh Himplast» МЧЖ ҚК ташкил этилди. (улушлар: “Жиззах пластмасса” - 35%, “Завод химически стойких изделий” МЧЖ - 65%).

2019 йилнинг 15-24 июль кунлари чет эллик ҳамкорлар томонидан “Ўзкимёсаноат” АЖ корхоналари бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказилди ҳамда маҳсулотга бўлган талаб ўрганиб чиқилган.

“Жиззах пластмасса” АЖ томонидан ишлаб чиқариш биноси баҳоланиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Таъмирлаш ишларини 2019 йил октябрь ойида тугатилиб қўшма корхона устав жамғармаси шакллантирилган.

Хорижий ҳамкор томонидан эса ишлаб чиқариш линиясини етказиб бериш бўйича импорт шартномалари имзоланди. Асбоб-ускуналарни келтирилиб, ишлаб чиқариш цехига ўрнатилган.

**“Энгил саноати учун кимёвий қўшимчалар ишлаб чиқариш”**

- лойиҳа қиймати – 1600,0 минг АҚШ долл.;
- лойиҳа қуввати – 8200 тонна;
- амалга ошириш муддати – 2020 йил сентябрь ойи;

- янги иш ўринлари яратилиши – 25 та.

Лойиҳа мақсади: импорт ўрнини босувчи янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, импорт миқдорини қисқартириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш.

2019 йилда технологик ускуналарни ясаш жараёни бошланиб якунига етказилиб, тўлиқ ишлабчиқариш цехига ўрнатилди. Ҳорижий инвестор томонидан умумий қиймати 518 минг АҚШ долларига тенг технологик ускуналар еказиб берилди ҳамда монтаж ишлари якунига етказилган.

Олдинга қўйилган мақсад: Коронавирус пандемияси сабабли, жорий йилнинг май ойидан антисептик ишлаб чиқарилиб, Республика бўйича сотилмоқда. Бундан ташқари корхонанинг асосий фаолият тури бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар энгил саноат корхоналарига синов учун етказиб берилди.

#### **“Полипропилен қоғлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳаси:**

Лойиҳанинг биринчи босқичи 2020 йилнинг сентябрь ойида топширилди.

Лойиҳанинг умумий қиймати - 650 минг долларга тенг, шундан «Micro Me» (БАА) компаниясининг тўғридан – тўғри ҳорижий инвестицияси – 398,9 минг доллар, «Жиззах пластмасса» АЖнинг ўз маблағлари – 251,1 минг долларни ташкил этган.

Лойиҳа доирасида БААнинг “Micro Me” ва “Жиззах пластмасса” АЖ таъсисчилигида «Kinuogor qor» МЧЖ қўшма корхонаси ташкил этилган бўлиб, унга кўра ҳорижий инвесторнинг корхонадаги улуши 63 %га тенг.

Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига 398,9 минг доллар ҳорижий инвестиция ўзлаштирилган.

Қўшма корхонанинг Низом жамғармасини шакллантириш мақсадида бинолар баҳоланиб, “Жиззах пластмасса” АЖнинг улуши сифатида киритилган. ҳорижий ҳамкорлар томонидан эса ламинацияланган полипропилен қоғлар ишлаб чиқариш ускунаси олиб келиниб, монтаж қилиш ишлари якунланди. Ҳозирда лойиҳанинг биринчи босқичи тўлиқ ишга туширилган.

Лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида ҳорижий ҳамкор томонидан йиллик қуввати 10 млн. дона ламинацияланган “Полипропилен қоғлар” ишлаб чиқариш ускунасини келтириш режалаштирилмоқда. Лойиҳа қиймати 700 минг долларга тенг бўлиб, шундан «Micro Me» (БАА) компаниясининг тўғридан – тўғри ҳорижий инвестицияси – 450,0 минг доллар, «Жиззах пластмасса» АЖнинг ўз маблағлари – 250,0 минг долларни ташкил этади.

Халқ истеъмоли моллари  
ассортиментини кенгайтириш



Эни 3000 мм полиэтилен  
плёнка ишлаб чиқариш



Диаметри 720-1200 мм  
полиэтилен қувурлар  
ишлаб чиқариш



Диаметри 720-1200 мм  
фитинглар ишлаб чиқариш



**ЭРИШИЛГАН  
НАТИЖА:**



**Технологк  
парк тўлик  
ЯНГИЛАНДИ**



**20 ДАН ОРТИҚ  
турдаги янги  
маҳсулот**



**Ишлаб чиқариш  
қуввати  
15,6 минг  
тоннага етди**



**2,7 млн. долл.  
инвестициялар  
ўзлаштирилди**

2012 й.

2015 й.

2016 й.

2019 й.

2013 й.

2014 й.

2017 й.

2018 й.



Полиэтилен фитинглар  
ишлаб чиқариш




30 дан 100 литргача  
пластик сиғимлар ишлаб  
чиқариш



Уч катламли ПП қувурлар  
ишлаб чиқариш

## МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИНГ УЛУШИ:



- Полиэтилен қувурлар
- Полиэтилен плёнка
- Полиэтилен фитинглар
- Кимёвий қўшимчалар
- Полипропилен қоплар
- Халқ истеъмоли моллари
- Кимёвий бардошли қопламалар

## ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР:



### Полиэтилен қувурлар

ташки диаметри 16-1200 мм

✚ йиллик қувват:  
9 395 тонна



### Полиэтилен плёнка

эни 200-3000 мм

✚ йиллик қувват:  
4 480 тонна



### Халқ истеъмоли моллари

40 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар

✚ йиллик қувват:  
1 100 тонна



### Полиэтилен фитинглар

ташки диаметри 90-1200 мм

✚ йиллик қувват:  
700 тонна

## ЖАМИЯТ НЕГИЗИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР:



### Полипропилен қоплар

«Kimyoqar Qor» МЧЖ ҚҚ (БАА)

✚ йиллик қувват:  
10 млн. дона қоп



### Тўқимачилик саноати учун кимёвий қўшимчалар

«Helbeto Jizzakh Chemicals» МЧЖ ҚҚ  
(Туркия)

✚ йиллик қувват:  
8 200 тонна



### Кимёвий бардошли ностандарт қопламалар

«Jizzax Himplast» МЧЖ ҚҚ (Россия)

✚ йиллик қувват:  
1 000 тонна







**1972 йил**

Полиэтилен қувурлар  
ишлаб чиқарилиши  
йўлга қўйилган

**1976 йил**

Полиэтилен плёнка  
ишлаб чиқарилиши  
йўлга қўйилган



**2008 йил**

Полиэтилен қувурлар  
ишлаб чиқариш цехи  
модернизация қилинган



**2010 йил**

Полиэтилен фитинглар  
ишлаб чиқарилиши  
йўлга қўйилган



**2012 йил**

Халқ истеъмоли моллари  
ишлаб чиқариш цехи  
модернизация қилинган

**2016 йил**

Полиэтилен қувурлар  
ишлаб чиқариш цехи  
модернизация қилинган



*1.3. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати*

**Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси**

№	Маҳсулот Номи	Ўлчов бирлиги	2022 йил		
			Мавжуд қувватлар	Прогноз	Мавжуд қувватлардан фойдаланиш (%)
1	Полиэтилен плёнка	тн.	1300	400	30,7
2	Полиэтилен труба	тн.	4095	1965	48,0
3	ҲИМ	тн.	586	160	27,3
4	<b>Жами</b>	тн.	<b>5981</b>	<b>2525</b>	<b>42,2</b>

*1.4. Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот*

Корхонанинг ташкилий тузилмаси, ижро этувчи аппарати тузилмаси:

«Жиззах пластмасса» АЖ  
12,9 га

«Helbeto Jizzax Chemicals» МЧЖ ҚК  
4320 кв.м


«Jizzakh Himplast» МЧЖ ҚК  
180 кв.м

«Bio Eco World» МЧЖ ҚК  
1404 кв.м

«Jizzakh Stone Quality» МЧЖ ҚК  
5400 кв.м.

«Kimyogar Qor» МЧЖ ҚК  
5400 кв.м.


Ривожланиш дастуридаги лойиҳаларни жойлаштириш режалаштирилган



"Jizzax plastmassa" Aktsiyadorlik Jamiyatining  
2021 йил 29-октябрдаги  
49-сонли буйруғига  
1-илова



**«JIZZAX PLASTMASSA» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 2021 ЙИЛ 1 НОЯБРДАН ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИГАН  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



**1.5. Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, шу жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя**

Жамиятда жами штат бирликлари; 96 та  
 иш ўрни; 154 та  
 ходимлар сони; 154 та  
 уларнинг малакаси тўғрисида маълумотлар; олий, ўрта-махсус.  
 ишлаб чиқаришда бевосита банд бўлган ишчи-хизматчилар;  
 бошқарувдаги ходимлар; 13 та  
 техник ходимлар сони; 1 та  
 ходимларни ишга қабул қилиш тартиби; - суҳбат асосида;  
 малака талаблари; - олий, ўрта-махсус.  
 ходимлар малакасини ошириш чора-тадбирлари, унга сарфланган маблағлар:  
 100 млн.сум (бир юз қирқ беш миллион сўм) 2022 йилга режалаштирилган;

**Корхонанинг бошқарув органлари тўғрисида маълумот**

№	ФИШ	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
<b>I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)</b>			
1.1.	Акциядор (иштирокчи, мулкдор)		Акциядорлар: ■ “UzAssets Investitsiya Kompaniyasi” АЖ – 85,84% (4 256 256 дона акция) ■ Бошқа юридик ва жисмоний шахслар – 14,16% (702 388 дона акция)
<b>II. Кузатув кенгаши аъзолари</b>			
2.1.	Бобобеков Зоҳиджон Анарбоевич	Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи (2021 й.)	-
2.2.	Соҳибов Ботир Ғофурович	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бош мутахассиси (2021 й.)	-
2.3.	Ҳайдаров Ўктам Ўткирович	Давлат активларини бошқариш агентлиги етакчи мутахассиси	-
2.4.	Алимов Алишер Умиджонович	“UzAssets Investitsiya Kompaniyasi” АЖ бош мутахассиси (2021 й.)	-
2.5.	Уринов Умиджон Эргашевич	Давлат активларини бошқариш агентлиги Жиззах вилоят ҳудудий бошқарма бошлиғи ўринбосари (2021 й.)	-
2.6.	Ҳайдаров Фарход Холмуродович	Давлат активларини бошқариш агентлиги Жиззах вилоят ҳудудий бошқарма бошлиғи ўринбосари (2021 й.)	-

2.7.	Каримов Фархад Музафарович	Республика Ҳукумати ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги иқтисодий бошқарувни такомиллаштириш дастури доирасидаги Осиё тараққиёт банки лойиҳаси бўйича маслаҳатчи (мустақил аъзо) (2021 й.)	-
<b>III. Ижроия органи</b>			
3.1.	Тўрақулов Элёр Шухратович	Бошқарув раиси, (2012 й.)	0,09% (4600 дона акция)
3.2.	Сиддиқов Умид Носирович	Бошқарув раисининг молиявий-иқтисодий ва маркетинг масалалари бўйича ўринбосари (2020 й.)	0,05% (2300 дона акция)
3.3.	Маматкулов Дилшод Ахмаджонович	Бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, ривожлантириш ва янги маҳсулотларни тадбиқ қилиш масалалари бўйича ўринбосари (2021 й.)	0,03% (1500 дона акция)

### *1.6. Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мавқеи*

Жамият Республикада полиэтилен ва полипропилен маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича етакчи корхоналар қаторига киради. Жумладан,

#### **Полиэтилен қувурлар тайёрлаш**

Диаметри 25 мм 1200 ммгача бўлган ўлчамлардаги қувурлар ишлаб чиқарилади. Ушбу қувурлардан 0 даражадан 40 даражагача бўлган хўжалик истеъмол сувлари, бошқа суюқликлар узатишда қўлланилмоқда.

Шунингдек, қувурларнинг SDR кўрсаткичи орқали 0,32 МПдан 2,0 МПгача бўлган босимга бардош бериши аниқланди, яроқлилиқ муддати эса 50 йилни ташкил этади.

2008 йилдан бошлаб корхонада диаметри 315 миллиметрдан 630 миллиметргача бўлган полиэтилен қувурларни ишлаб чиқаришга киришилди. Қиймати 400 минг АҚШ доллари бўлган мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “2007-2011 йиллар мобайнида кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги қарорига асосида ҳаётга татбиқ этилди. Ушбу тадбир 24 та иш ўрнининг яратилишига омил бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги инвестиция дастури асосида акциядорлик жамиятида ташқи диаметри 20-250 миллиметр ҳамда 710-1200 миллиметргача бўлган полиэтилен қувурларни ўзлаштиришга киришилди.

#### **Полиэтилен плёнкалар тайёрлаш**

Полиэтилен плёнкалар тайёрлаш 1997 йилдан бошлаб мамлакатимизда плёнка остида пахта етиштириш усули кенг қўлланила бошланди. Корхона мазкур йўналишда юзага келган талабга мос тарзда ўша йили Хитойдан 22 дона плёнка тайёрлаш ускуналари олиб келинди. Бу плёнкалар қишлоқ хўжалиги экинлари агротехнологиясига мос, яъни, юпқа, қалинлиги 8 мкр.ни ташкил этади.

Мазкур плёнкадан озиқ-овқат маҳсулотларини вакуумли ўрашда фойдаланиш мумкин. 132 та иш ўрнинг яратилишига хизмат қилган мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 5.380 миллион АҚШ доллари қийматида инвестиция жалб этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги инвестиция дастури асосида акциядорлик жамиятида эни 300 миллиметрдан 3000 миллиметр бўлган полиэтилен плёнкалар тайёрлашга 2016 йилдан киришилди. Маҳсулотларнинг чўзилишдаги мустаҳкамлиги МПА бўйланма йўналиши ҳамда эни бўйича 14,7 ни ташкил этади. Нисбий чўзилиш бўйича узилиш бўйланма йўналиш бўйича 250 фоиз, эни бўйича 350 фоизда рўй беради.

### **Фитинглар тайёрлаш**

Фитинг маҳсулотлари полиэтилен қувурларни бурчак остида кесиш ва кесилган қисмларни пайвандлаш йўли билан бириктириш орқали тайёрланади. Бутловчи деталлар 50 миллиметрдан 1200 миллиметргача бўлган полиэтилен қувурлар ва оқова тармоқларни улашда ишлатилади.

Фитинглар тайёрлаш цехининг ишга тушириш учун 156 минг АҚШ доллари қийматида инвестиция киритилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27 июлдаги қарори полиэтилен қувурлар учун улаш деталларини ишлаб чиқаришга доир бу лойиҳани амалга ошириш учун замин яратди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2264 қарори асосида эса 2015 йилдан бошлаб полиэтилен трубалар учун улаш ўтувчанлиги тенг бўлмаган деталларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 79,9 минг АҚШ доллари ўзлаштирилди.

### **Халқ истеъмоли моллари тайёрлаш**

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехида, қутилар, мева-сабзавот идишлари, тоғора ва пақир каби 40 турдан ошиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотлар “O‘zDSt 936:2009” талабларига тўлиқ жавоб беради.

### **Келажак сари дадил қадамлар**

“Jizzax plastmassa” акциядорлик жамияти томонидан ички бозордаги ўз ўрнини мустаҳкамлаш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, корхонада 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастур бўйича полимерлардан ХИМ ва янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Яъни, йилига қиймати 12,1 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 500 тонна бутловчи деталлар, 2000 тонна полиэтилен қоплар ва 2000 тонна биг-беглар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди.

Мазкур лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш учун 12,1 миллион АҚШ доллари сарфланди. Шунингдек, 2019-2020 йилларда 3500 тонна БОПП плёнкалари, 2020-2021 йилларда 1000 тонна поливинилхлоридни қайта ишлаш, қурилиш ашёлари ва хўжалик буюмлари тайёрлашга оид лойиҳани амалга ошириш устида иш борилмоқда. Эътиборлиси, корхонада табиатга зарар етказмайдиган чакана савдода қўлланиладиган полиэтилен қопчалар тайёрлаш чоралари кўрилмоқда. Яъни, муайян муддатдан сўнг қопчалар ташқи таъсирлар натижасида бутунлай йўқолиб кетади. Корхонанинг хусусияти, республика иқтисодиётидаги (жойлашган ҳудуддаги) ўрнидир.

### ***1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими***

Жамиятимизда ИСО 9001-2015 халқаро талабларига мувофиқ сифат менежменти тизими жорий этилган ва сертификат олинган. 2020 йил давомида ушбу

халқаро стандарт талабларига мувофиқ 2020 йилга мўлжалланган сифат мақсадлари белгилаб олинган. Жамият сиёсати қайта кўриб чиқилди ва кадрлар амалдаги сифат менежмент тизими ҳужжатлари билан таништирилди. Бундан ташқари, жамиятимизда жараён тартиби, сифат қўлланмаси кўриб чиқилди ва янгиланди. Жорий йил учун ички аудит натижалари, аудит жадваллари бўйича ҳисоботлар тузилиб, корхонанинг юқори раҳбарияти таҳлил ўтказди. Шунингдек, 2022 йилга жамиятда “ИСО 50001-2018 Энергоменежмент тизими”ни тадбиқ қилиш режалаштирилган бўлиб, жамият ходимлари ушбу янги тизим бўйича малака кўникмалари оширилади ҳамда ушбу тизим 2022 йилда жорий қилинади.

## **II. Корхонани ислоҳ қилиш**

### ***2.1 Ислоҳ қилишнинг 2022 йил учун режаси;***

Жамиятда 2022 йилга қиймати жами 1,0 млн.АҚШ долларга тенг бўлган “12 м бўлган кўп қатламли иссиқхона плёнкалари” ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, ишлаб чиқариш қуввати йилига 3000 тоннани ташкил этади. Ушбу лойиҳани жорий йилнинг V-чорагида қилиш ва сотиш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.



## ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР



РОССИЯ:



KAZANORGSINTEZ

**СИБУР**

ТУРКИЯ:



imece plastik

СЛОВАКИЯ:



ROKOSAN

## Жорий 2020 йил якуни билан кутилаётган инвестиция кўрсаткичлари

ЎЗЛАШТИРИЛАДИ

**850**  
минг. долл.

РЕЖАГА НИСБАТАН

**212,5%**

Молиялаштириш манбалари

Хорижий инвестициялар - 665,9 минг. долл.

Корхоналар ўз маблағлари – 184,1 минг. долл.

## 2021 йил якуни билан кутилаётган инвестиция кўрсаткичлари

ЎЗЛАШТИРИЛАДИ

**1000**  
минг. долл.

ЎСИШ СУРЪАТИ

**117,6 %**

Молиялаштириш манбалари

Банк кредити – 1000 минг. долл.

## Қўшма корхона шаклида амалга ошириладиган инвестицион лойиҳалар

Лойиҳалар



**6**

та

Қиймати



**77,4**

млн. долл.

Товар маҳсулот



**75,3**

млн. долл.

Иш ўрни



**345**

та

Импорт ўрнини босиш



**43,1**

млн. долл.


Экспорт



**8,2**

млн. долл.

## 2017-2021 йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ДИНАМИКАСИ



## Полипропилен қоплар ишшлаб чиқариш лойиҳаси

«Kimyoqar Qor» МЧЖ ҚК (БАА)



«Ўзкимёсаноат» АЖ тармоқ  
корхоналарининг полипропилен  
қопларга бўлган талаби  
**120 млн. донани**  
ташкил этади

### I босқичда

- Хамкор: «MICRO ME LLC» (БАА)
- Муддати: сентябрь, 2020 й
- Лойиҳа қиймати: 650 минг долл.
- Қуввати: 10 млн. дон ПП қоп
- Иш ўрни: 80 нафар
- Қопланиш даври: 3 йил
- Капитал қўйилма: 0,65 млн долл
- IRR: 16%

### II босқичда

- Хамкор: «MICRO ME LLC» (БАА)
- Муддати: 2021 й
- Лойиҳа қиймати: 700 минг долл.
- Қуввати: 20 млн. дон ПП қоп
- Иш ўрни: 50 нафар
- Қопланиш даври: 3 йил
- Капитал қўйилма: 0,7 млн долл
- IRR: 17%

«Ўзкимёсаноат» АЖ тармоқ  
корхоналарининг эҳтиёжи

**8%га**  
қопланмоқда

**НАТИЖА:**

«Ўзкимёсаноат» АЖ тармоқ  
корхоналарининг эҳтиёжи

**25%га**  
қопланади

## Кимёвий бардошли ностандарт қопламалар


«Jizzax Himplast» МЧЖ ҚК (Россия)

### I босқичда

- Хамкор: «ЗЧСИ» МЧЖ (Россия)
- Муддати: сентябрь, 2020 й
- Лойиҳа қиймати: 200 минг долл.
- Қуввати: 1000 тонна қопламалар
- Иш ўрни: 10 нафар
- Қопланиш даври: 3 йил
- Капитал қўйилма: 0,2 млн долл
- IRR: 30%

### II босқичда

- Хамкор: «ЗЧСИ» МЧЖ (Россия)
- Муддати: 2022 й.
- Лойиҳа қиймати: 620 минг долл.
- Қуввати: 2000 тонна листлар
- Иш ўрни: 20 нафар
- Қопланиш даври: 4 йил
- Капитал қўйилма: 0,62 млн долл
- IRR: 18%



Лойиҳанинг дастлабки босқичида  
импортдан келтирилган  
листлардан саноат  
корхоналарининг эҳтиёжлари  
учун кимёвий бардошли қоплама  
ва сигимлар ишлаб чиқарилиши  
ташкил этилди



ПП листлар  
**800 тонна**  
Маҳаллий-  
лаштириш  
даражаси:  
**82%**

ПЭ листлар  
**600 тонна**  
Маҳаллий-  
лаштириш  
даражаси:  
**84%**

ПВХ /АБС  
листлар  
**600 тонна**  
Маҳаллий-  
лаштириш  
даражаси:  
**77%**

### 1. Аминокислотали органик ўғит ишлаб чиқариш лойиҳаси

 **Хамкор:** «Resysle» («ROKOSAN» Словакия)

 **Муддати:** 2021 й.

 **Лойиҳа қиймати:** 15 млн.долл.

 **Қуввати:** 10 минг тонна органик ўғит

 **Иш ўрни:** 50 нафар.

 **Қопланиш даври:** 4 йил

 **Капитал қўйилма:** 15 млн.долл

 **IRR:** 20%



**85%**

маҳаллий  
хом ашё

**30%**

минерал ўғитлар  
тежалиши


**30%**

ҳосилдорлик  
ошиши

**BEW**  
BIO ECO WORLD

### 2. БОПП плёнка, тошдан қоғоз ва синтетик қоғоз ишлаб чиқариш лойиҳаси

 **Хамкор:** «Resysle» («CHEMOSVIT» Словакия)

 **Муддати:** 2022 й.

 **Лойиҳа қиймати:** 40 млн.долл.

 **Қуввати:** 20 минг тонна БОПП плёнка

 **Иш ўрни:** 150 нафар.

 **Қопланиш даври:** 5 йил

 **Капитал қўйилма:** 40 млн.долл

 **IRR:** 19%



**95%**


маҳаллий  
хом ашё

**100%**


импорт  
ўрнини босиш

**8,0**

млн. долл  
экспорт

 **NOVAPOLYMER JIZZAKH**


### 3. Полипропилендан синтетик ип ишлаб чиқариш лойиҳаси

 **Хамкор:** «Resysle» («FIBROCHEM» Словакия)

 **Муддати:** 2023 й.

 **Лойиҳа қиймати:** 15 млн.долл.

 **Қуввати:** 5 минг тонна синтетик ип

 **Иш ўрни:** 50 нафар.

 **Қопланиш даври:** 5 йил

 **Капитал қўйилма:** 15 млн.долл

 **IRR:** 19%



**95%**

маҳаллий  
хом ашё

**20%**

импорт  
ўрнини босиш

**1,8**

млн. долл  
экспорт

 **FIBROJIZYARN**



40 дан ортиқ турдаги кимёвий қўшимчалар.

**Йиллик қувват:**  
8 200 тонна



Кимёвий бардошли ностандарт қопламалар

**Йиллик қувват:**  
1 000 тонна



Полипропилен қоплар

**Йиллик қувват:**  
10 млн. дона



Аминокислотали органик-минерал ўғит

**Йиллик қувват:**  
10 000 тонна



Полипропилен асосида синтетик иплар

**Йиллик қувват:**  
5 000 тонна



БОПП плёнка, тошдан қоғоз, синтетик қоғоз

**Йиллик қувват:**  
20 000 тонна



ЎЗТЎҚИМАЧИЛИКСАНОАТ уюшмаси



ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ



ЎЗТЎҚИМАЧИЛИКСАНОАТ уюшмаси



O'ZBEKOZIQOVQATXOLDING XOLDING KOMPANIYASI



ЎЗТЎҚИМАЧИЛИКСАНОАТ уюшмаси

### Ш. Бозор ва маркетинг режаси

Пластмассаларни қайта ишлаш замонавий кимёвий технологиянинг ўзига хос йўналиши бўлиб, у полимерлар кимёси ва материалшунослик, кимё муҳандислиги ва мураккаб, тартибга солиниши қийин бўлган жараёнларни автоматлаштириш ютуқларини бирлаштиради.

Дунёда пластмасса истеъмолнинг ўсиш тенденцияси мавжуд, давлатнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларидан бири бу аҳоли жон бошига пластик маҳсулотларни истеъмол қилиш даражасидир. Саноатда металл элементларни маҳсулотдаги пластмасса билан алмаштириш орқага қайтарилмас ҳолга айланди. Пластмасса енгилроқ, коррозияга учрамайди ва кимёвий моддалар таъсирига дуч келмайди, механик ишлов бериш ёрдамида ҳар қандай шаклдаги қисмларни ишлаб чиқариш мумкин.

Ҳозирги кунда "Жизах Пластмаса" АЖ қуйидаги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарилади:

Полиэтилен плёнка, кишлок хўжалигида, мелиорация ва сув хўжалигида, халқ хўжалигининг турли соҳаларида қадоқлаш материаллари сифатида, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадларда ишлатилади.

Ҳар йили, 2013 йил 19 апрелдаги ПСМ-1958-га биноан "2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида". "Жизах Пластмасса" АЖ 700 дан 1000 тоннагача фермер хўжалиklarини сувни тежаш технологиясидан фойдаланган ҳолда суғориш тўпламлари ва экран плёнкалари билан таъминлайди.

Полиэтилен қувурлар - доимий винтли экструзия усули билан 18599-2001 халқаро стандартига мувофиқ ишлаб чиқарилган. Сувни, шу жумладан маиший ва ичимлик суви ва бошқа суюқ ва газсимон моддаларни ташувчи қувурларни қуриш учун мўлжалланган.

2012 йил 30 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида 2013-2015 йилларда сув таъминоти ва канализация тизимларини янада комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 337-сонли қарорига биноан ва Республика Президентининг Фармониға мувофиқ "Андижон шаҳрида канализация тармоқларини реконструкция қилиш ва қуриш" лойиҳасини амалға ошириш чора-тадбирлари тўғрисида "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10-июндаги 1707-сонли қарори, Жиззах ва Хоразим вилоятларидаги, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидаги "Осиё тараққиёт банки иштирокидаги" аҳоли пунктларига сув таъминотини яхшилаш, қувурлар ва арматуралар (тенг ва тенг бўлмаган) қурилиш ташкилотлари ва савдо шоҳобчаларига сотилмоқда.

Истеъмол товарлари:

А) полиэтилен, полипропилен ва бошқа термопластик материаллардан қарши қуйиш йўли билан тайёрланади.

Б) полиэтилен плёнкадан пайвандлаш натижасида олинган маҳсулотлар: озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш учун ҳар хил ўлчамдаги сумкалар, шунингдек саноат маҳсулотларини қадоқлаш.

Хом-ашё, материаллар, бутловчи буюмлар таснифи;

Полиэтилен маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё Шўртан газ-кимё мажмуасидан етказиб бериладиган полиэтилен гранулаларидир.

Шўртган газ-кимё мажмуасида линияли полиэтилен ишлаб чиқариш қуйидаги маркаларда:

- РҮ-342- қувур маркаси.
- ВҮ -460 - пуфланган нав маркаси.
- F -0220 C - плёнка маркаси.
- F -0120 - плёнка маркаси.
- I -0525 - қуйма маркаси.
- I -1561 - қуйма маркаси.
- I -1625 - қуйма маркаси.
- I -0760 - қуйма маркаси.

Полимерни бўяш учун Кореяда ишлаб чиқарилган "Мастер Батч" турли хил рангдаги мастербатч, Тошкентдаги "Модерн транс сервис" полимерлари учун бўёк ишлатилади.

Корхонага келиб тушган хом ашёларни кириш назорати ТС 17642168-04: 2013 бўйича амалга оширилади.

Кирувчи назоратга олинадиган маҳсулотлар турлари ишлаб чиқилган рўйхатда маҳсулотнинг номи, назорат қилинадиган кўрсаткичлари, меъёрлари, назорат доираси, ижрочилари кўрсатилган ҳолда белгиланади ва кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

Хом ашё сифатига қўйиладиган талаблар ва уларни тайёрлаш усуллари, маҳаллий хом ашёнинг технология талабларига мувофиқлиги;

Хом ашёнинг кирувчи назорати техник назорат бўлимига (ҚСД) юклатилган. СЗЛ "Ўзстандарт" агентлигида УЗ.АМТ.07.МАИ-сонли аккредитация сертификати билан аккредитациядан ўтган. 436. Шунингдек, кириш назорати остида бўлган маҳсулотларни синовдан ўтказишнинг айрим турлари аккредитация доирасига киритилган.

Сифатни назорат қилиш бўлими ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш тизимининг амалдаги меъерий ҳужжатлари, "Жиззах пластмасса" АЖнинг техник назорат бўлимининг синов лабораторияси тўғрисидаги низом" ни бошқаради.

#### **IV. SWOT-таҳлили**


Жамиятнинг молиявий кўрсаткичлари:

## Активларнинг айланиш кoeffиценти

№	Кўрсаткичлар	норма	2017 й.	2018 й.	2019 й.
1	Захираларнинг айланиш кoeffиценти	1,5-2,0	3,66	3,33	3,51
2	Жорий активларнинг айланиш кoeffиценти	0,5-2,0	1,90	1,78	1,96
3	Дебитор қарздорликларни сўндирилиши (кун)	-	43,17	28,02	35,3

## Даромад кoeffиценти

№	Кўрсаткичлар	норма	2017 й.	2018 й.	2019 й.
1	ROE	12%	76%	20%	17%
2	ROA	10%	43%	15%	13%
3	Ялпи маржа кoeffиценти	-	48%	11%	12%
4	Фойда маржаси	-	37%	17%	15%



## V. Энергоресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

Жамиятда энергоаудит текшируви ўтказилди ва қуйидаги хулосалар олинди:

1. Средняя норма расхода электроэнергии на п/э трубы диаметром 16-90 мм  
Нср.п/э труб 16-90 мм.= 1140,33 кВт\*ч/тн.
2. Средняя норма расхода электроэнергии на п/э трубы диаметром 110-250 мм  
Нср.п/э труб 110-250 мм. = 642,7 кВт\*ч/тн.
3. Средняя норма расхода электроэнергии на п/э трубы диаметром 315-630 мм  
Нср.п/э труб 315-630 мм. = 574,40 кВт\*ч/тн.
4. Средняя норма расхода электроэнергии на п/э трубы диаметром 710-1200 мм  
Нср.п/э труб 710-1200 мм. = 967,4 кВт\*ч/тн.
5. Средняя норма расхода электроэнергии на п/э плёнку 1,5 метра  
Нср.п/э плёнка 1,5 метр.=1098,63 кВт\*ч/тн.
